





Биз Ўзбекистонда яшаймиз

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

Тошкентда Беларусь маданият маркази расман рўйхатга олинганига эндигина бир йилдан ошди...

Она тилининг тикланиши нафақат Ўзбекистонда яшаётган беларуслар, балки Беларусь давлатининг ўзи учун ҳам долзарб масалалардир...

1966 йилги машъум Тошкент зилзиласидан сўнг беларус курувчилари бунёд этган уйлар қардошлик рамзи бўлиб қад ростлади...

Уруш йилларида Беларусиянинг таниқли шоирлари, ёзувчилари, санъаткорлари Тошкентда яшаб ижод қилдилар...

Беларус маданият маркази ёш ижодкорлар фаолиятига ҳар томонлама қўмақлашишга ҳаракат қилмоқда...

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Сергей Протасевич болаларга аталган шеърлар тўпламини тайёрлади...

Ташкил этилганига эндигина бир йил бўлишига қарамай, маданият марказининг фаолияти пойтахт ижтимоий ҳаётида сезиларли воқеликка айланган...

И. КОГАЙ.

ТЕЖАМКОРЛИК — КОНИ Фойда

ҚОҒОЗНИНГ ЧИҚИТИ БЎЛМАЙДИ

ДЕЙДИ АНГРЕНДАГИ ИДИШБОП ҚАЛИН ҚОҒОЗЛАР КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ

Тежамкорлик ҳар қаламда асқотади. «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади», деганларидек, эпласа озни кўпайтириш, эскини янгилаш мумкин...

Комбинатнинг ўзи собиқ Иттифоқ даврида бунёд этилган эди. Ўз вазиёси жиҳатидан Урта Осиёда ягона бўлган корхона бир пайтлар ҳатто Россиядаги ишлаб чиқариш муассасаларига ҳам маҳсулот етказиб берарди...

Корхонада иш кеча-ю кундуз узлуқсиз ташкил қилинган. Бош директор Шевкет Османовнинг сўй-ҳаракати билан ҳамма участкалар соат механизмидек аниқ ишлайди...

Антренидаги комбинатнинг лойиҳа қуввати жуда юқори бўлиб, бир йилда юз минг тоннагача хомашёни қайта ишлаши мумкин. Афсуски, айни пайтда бу имкониятдан тўла фойдаланиб бўлмаётган...

жиҳатдан хонадоннинг сариштирилиши таъминласа, иккинчи томондан эса мамлакат иқтисодиётига қўшилган ҳисса ҳам ҳисобланади...

Бу жиҳатдан ишни яхши ташкил қилган корхона ва муассасалар бор. Тошкент шаҳридаги «Юлдуз» фирмаси, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Чилонзор туманидаги нон маҳсулотлари комбинати қўшида очилган қабул пунктлари бунга мисол қилиб келтириш мумкин...

Бир пайтлар макулатура ҳисобига ҳар хил талонлар берилар ва у билан нодир китоблар харид қилиш мумкин эди. Эндиликда бу юмуш билан шуғулланган Тошкент такрор ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти суяб-шайб қолди...

Ҳ. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

УСЛУБИЁТЧИЛАР БЕЛЛАШИДИЛАР

Қаҳқарад ёки виллоят халқ таълими бошқармаси виллоят халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда илк бор «Услубийотчи-94» курси-танловини ўтказди.

Мақтабларда ва мақтабдан ташқари ўқув муассасаларида амалда ишловчи талаблар даражасида ташкил этиш, ўқув-тарбияни такомиллаштиришда услубийотчиларнинг ҳиссаси катта.

Курси-танловда дарс ўқиш, дарсни таҳлил этиш, кўргазмали курслар ясаш, улардан амалда фойдаланиш, дарсдада электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш, ўқитувчиларга ва бошқа мураббийларга кўмаклашувчи ишчи турли ташкил этишга ёрдам бериш каби жараён атрофида таълим этилди.

Шаҳрисабз шаҳар халқ таълими бўлимининг адабийот фани бўйича услубийотчи Курбанов Одилова танлов ҳаммаккари томонидан қўлиб деб топилди, унга қимматбах мукофотлар насиб этди.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Марҳамат электротехника заводи ҳозир 7 хилдаги паст қувватли электр аппаратлари, 20 хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараяпти. Қўшни республикаларга ҳам завод маҳсулотлари жўнатиляпти. Эвазига эҳтиёт қисмлар, замонавий дастгоҳлар келтириляпти. Шу қунарда кичкинтойларга қувонч бахш этадиган уч гилдиракли велосипедлар ишлаб чиқаришга ҳозирлик қилимоқда.

СУРАТДА: завод конструктор-механик Шавкатбек Маматов, техника бўлими бошлиғи ўринбосари Солижон Омонов ва етакчи технолог Мухторжон Тўхташевлар янги маҳсулот ишлаб чиқариш хусусида маслаҳатлашишмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.



Ўзбекистон Республикасида хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш ва очиқ ҳиссадорлик жамиятлари учун инвесторларнинг кенг доирасини жалб этиш республика фонди бозорига янги ном-опционнинг пайдо бўлишига олиб келиди.

Опцион — ҳосила қимматли қоғоз бўлиб, маълум давр оралиғида маълум кунгача акцияларни маълум нархда харид қилиш ёки сотиш ҳуқуқини беради. Шундай қилиб опцион эгаси хусусийлаштирилаётган корхона акцияларини имтиёзли нархларга сотиб олиш ҳуқуқини (мажбуриятини эмас) қўлга киритади, корхона эса ўз акцияларини сотиш мумкин бўлган бозорга эга бўлади.

Давлат мулк қўмитасининг давлат мулк улушини, шунингдек, шерикларга эркин сотиш учун мўлжалланган улушини сотишга оид опцион тўғрисидаги Адиля вазирлиги ва Давлат мулк қўмитаси тасдиқлаган Низом илағари матбуотда эълон қилинган эди.

Бугун биз хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг Давлат мулк қўмитаси тақдим этган рўйхатини эълон қилмоқдамиз. Давлат мулклари шу рўйхат асосида савдога қўйилади.

Зарур тушуништиришлар учун Давлат мулк қўмитаси опционларни танлов йўли билан сотишни асосий ташкилотчиси сифатида вақил қилган миллий депозитарийга мурожаат қилиш мумкин.

Алоқа учун телефонлар: 77-85-07, 77-82-52

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР РҲЙХАТИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ОПЦИОН ТИЗИМИ БҲЙИЧА ТАНЛОВ ОРҚАЛИ СОТИШ ШАРТЛАРИ

Table with columns for company name, type of enterprise, and various financial and operational metrics. Includes entries like 'Учқургон йиғирув-тўқув фабрикаси' and 'Тўртқўл ишлаб чиқариш тўқимачилик-тикувчилик бирлашмаси'.

Table with columns for company name, type of enterprise, and various financial and operational metrics. Includes entries like '16. 4-қурилиш трести' and '17. 12-қурилиш трести'.

Танлов муддати: матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб бир ой. Опцион сотиб олиш ҳақидаги бюортмалар қабул қилинадиган охири кун — 1995 йил 2 январь.

